

ҲИКОЯТ ТАРЖИМАСИДА ПЕРСОНАЖЛАР НУТҚИННИГ ҚАЙТА
ЯРАТИЛИШИ.

Риҳсибоева Нодира
ТДШУ 2-курс магистранти

Таржимон у ёки бу тилдан бошқа тилга ағдаар әкан, дастлаб унинг олдида мазкур асаддаги персонаж нутқи қандай берилиши керак ва ўша тилнинг ўзига хос хусусиятлари нимада-ю, таржимон олдида турган қийинчилик нималардан иборат эканлигини билиб олиши зарур. Зотан, асаддаги бадиийлик, образлилик персонажлар нутқининг қанчалик жозибадор қилиб берилганилиги билан боғлиқ. Бадиий асар қаҳрамонларининг характерли хусусиятларини очиб беришда уларнинг нутқи, сўзлашуви алоҳида аҳамият касб этади. Шунинг учун ҳам таржимон биринчи галда таржимон нутқини синчиклаб ўрганиши, уни эшига билиши, кейин бошқа тилда қайта яратиши мумкин.

Бадиий асаддаги персонажлар нутқи орқали ёзувчи қаҳрамоннинг ҳаёт воқеа ва ҳодисаларига муносабатигни, унинг дунёқарашги. ҳис-туйғуларини, руҳий ҳолатини очиб беради. Персонажлар нутқини таржимада беришнинг асосий хусусиятларидан бири уларнинг нутқида ишлатилган турли хил сўз ва ибораларни тўғри ағдариш масаласидир”⁵.

Қаҳрамонлар нутқини таржимада беришнинг асосий хусусиятларидан яна бири персонажлар ёшига, тилининг лексикасига ва жумла тузилишига эътибор беришликдадир. Айрим ҳолларда таржимонларимиз оригиналдаги таржимонлар нутқида ишлатилган узун жумлаларни қисқа жумлалар билан, қисқа жумлаларни эса узун жумлалар билан алмаштирадилар. Бу эса образни ва унинг нутқини бузишга олиб келади”⁶.

Ўз-ўзидан маълумки, “ёзувчи бадиий образ яратар әкан, у шу образга хос нутқ яратади. Таржимон эса она тилидан унинг эквивалентларини топиб, образни қайта яратади. Персонаж ва унинг нутқининг таржимада қайта яратиши таржимондан ағларилаётган (таржима қилинаётган) асар образининг характери, жамиятда тутган ўрни ва муаллифнинг унга муносабатини ўрганиши, англаши талаб этилади.

Демак. асарнинг бутун ғоясини қайта тиклашда персонаж нутқи муҳим роль ўйнайди”⁷.

“Гулистан”даги ҳар бир ҳикоят жуда чукур маъно ва мазмунга эга. Асада инсонни тарбиявий жихатдан жуда мукаммал ва комил инсон бўлиб етишишида хизмат қиласидиган сара ҳикоятлар, ҳикматлар, панд насиҳатлар келтирилган. Асадни бежизга панднома асар деб аташмаган, чунки асадни ўқиган ҳар бир инсоннинг қалб кўзлари очилади ва яхши ёмонни, эгри тўғрини фарқлайдиган инсонга айланади.

⁵ Ф о з и л о в а Ш. Қаҳрамонлар нутқини таржимада беришнинг баъзи хусусиятлари // Таржима маданияти (Мақолалар тўплами). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1992, 48-бет.

⁶ Ф о з и л о в а Ш. Қаҳрамонлар нутқини таржимада беришнинг баъзи хусусиятлари, 50-бет.

⁷ Ф о з и л о в а Ш. Қаҳрамонлар нутқини таржимада беришнинг баъзи хусусиятлари, 53-бет.

Аасарни ўша пайтларда мадрасаларда ўқитилганлиги эса бунга яққол мисол бўла олади. Бу дурдона аасарнинг баъзи ҳикоятлари таржималарини қўйида кўриб борамиз.

Ҳқайт

لғман ра گفتند: ادب از که آموختی ؟ گفت: از بیدابان ؛ هر چه از ایشان در نظرم ناشنده امدى از فعلِ آن احتراز کردمی⁸

Юқоридаги ҳикоятнинг Сайфи Саройи томонидан қилинган таржимаси:

Луқмони ҳакимга сўрдилар: «Адабни кимдан ўргандинг?» Айтти: «Адабсизлардан». Боқтим аларнинг афъолина, қайси ҳаракатиким, хуш келмади, андан эхтиroz қилдим»⁹.

Оғаҳий таржимасида:

Луқмон ҳакимга дедиларким: “Адабни кимдин ўргандинг?” Луқмон ҳаким деди: “Беадаблардан ўргандим. Нединким, аларнинг ҳар ишиким, кўзимга ямон кўрунди, андин ихтиroz қилдим”¹⁰.

Мулло Муродхўжа таржимаси:

Луқмонга савол айладилар: “Адабни кимдан ўргандинг?”. Айди: “Адабсизлардин, зероки алардан ҳар нимарсаки, назаримда номақбул келади ани қилмоқликдин ижтиноб айладим”¹¹.

Замонавий таржимаси:

Луқмони ҳакимдан: “Одобни кимдан ўргандинг?” деб сўрадилар. Луқмон жавоб берди: “Одобни беодоблардан ўргандим, уларнинг ҳаракатларида менга мақбул бўлмаган нарсалардан ўзимни сақладим!”¹².

Ҳар бир таржима ўз замонаси учун муносиб таржима деб тан олинган. Юқоридаги кичик ҳикоятда персонажлар нутқининг берилишини таҳлил қилас эканмиз, таржималарнинг барида асосан сўзлашув услубидан фойдаланилган. Сайфи Саройи таржимасида ҳам Оғаҳий таржимасида ҳам китобий сўзлардан фойдаланилган ва шакл жихатидан ҳам маъно жихатидан ҳам аслиятни ўзида сақлаб қолган. Сайфи Саройи таржимасидаги сухбат яъни персонажлар нутқида ҳеч қандай табиий сўзларни учратмаймиз барчаси мураккаб сўзлар орқали таржима қилинган бу эса албатта замонавий ўкувчи учун қийинчиликлар туғдиради. Сайфи Саройида ҳам Оғаҳийда ҳам аслиятда келтирилган “эхтиroz” яъни “тийилиш, эхтиёткорлик, эхтиёт чоралари” сўзи ўз ўрнида сақлаб қолган. Мулло Муродхўжа таржимасида эса “ижтиноб” яъни “қочиш” яқинлашмаслик маъносида келтирилган.

⁸ Саъдий Шерозий “Гулистан” Мулло Муродхўжа таржимаси Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ФАН нашриёти. 2005 й

⁹ С а й ф и С а р о й и. Гулистан бит-туркӣ // Уч булбул гулшани. – Тошкент: 1988й 217-бет.

¹⁰ Мухаммадрезо Эрниёзбек ўғли Оғаҳий. Асалар 9-жилд, Оғаҳий таржимасидаги “Гулистан” ва “Хафт пайкар”. – Тошкент: 2019й. 54-бет.

¹¹ Саъдий Шерозий “Гулистан” Мулло Муродхўжа таржимаси Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ФАН нашриёти. 2005 й 105-бет.

¹² Саъдий “Гулистан”. Форсчадан шеърларини ФОФУР ФУЛОМ билан ШОИСЛОМ ШОМУҲАММЕДОВ, наср қисмини РУСТАМ КОМИЛОВ таржима килган. Тошкент: 1968й. 76-бет.

Замонавий таржимада эса “эҳтиroz” сўзи “сақландим” деб берилган ва сўз ўз ўрнида маҳорат билан қўлланилган.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ф о з и л о в а Ш. Қахрамонлар нутқини таржимада беришнинг баъзи хусусиятлари // Таржима маданияти (Мақолалар тўплами). – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1992, 48-бет.
2. Ф о з и л о в а Ш. Қахрамонлар нутқини таржимада беришнинг баъзи хусусиятлари, 50-бет.
3. Саъдий Шерозий “Гулистон” Мулло Муродхўжа таржимаси Тошкент: Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси ФАН нашриёти. 2005 й
4. С а й ф и С а р о й и. Гулистон бит-туркий // Уч булбул гулшани. – Тошкент: 1988й 217-бет.
5. Мухаммадризо Эрниёзбек ўғли Огаҳий. Асарлар 9-жилд, Огаҳий таржимасидаги “Гулистон” ва “Ҳафт пайкар”. – Тошкент: 2019й. 54-бет.
6. Саъдий “Гулистон”. Форсчадан шеърларини ФОФУР ФУЛОМ билан ШОИСЛОМ ШОМУҲАММЕДОВ, наср қисмини РУСТАМ КОМИЛОВ таржима қилган. Тоошкент: 1968й. 76-бет.